

ШАРТНОМА № 15
сиқилган газ етказиб бериш буйича

Мирзаобод.Т.

2022 йил «06» Анвар

Низом асосида фаолият юритувчи куйида «Таъминотчи» деб юритилувчи раҳбар **Собиров.Н** номидан «СИРЛИ ОКШОМ ТАРОВАТИ» МЧЖ бир томондан ва иккинчи томондан кейинчалик «Истеъмолчи» деб аталувчи раҳбар Ф. Эгамбердиев номидан МЧЖ куйидагича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришнинг бажарилишини бўйнига, «Истеъмолчи» эса тўлаш ва муддатни белгилашни амалга оширади:

Маҳсулотн номи	ўлч.бир	Бир йил учун таъминлаш Жами:	Жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
Газ балонли автомобиллар учун сиқилган табиий газ	М³	2768	823	823	823	

2. Етказиб бериш «Истеъмолчи» газ балонларини «Таъминотчи» нинг автомобилга газ тулдириш компрессор станциялари (АГНКС) дан тўлдириш йўли билан амалга оширилади.
3. Етказиб бериш (таъминот) вақти бўлиб «Истеъмолчи» автомобилни тўлдириш вақти ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ

4. Шартноманинг умумий нархи у тузилган вақтда 7199400 сўмни ташкил қилади ҳамда шартнома тузилган вақтда 1 куб. Метр сиқилган газнинг нархи 2600 (Икки мизл амал илс) сум ККС билан қилиб белгиланди ва хом ашё, маҳсулотлар, ёқилғи-энергетика ресурслари нархи ўзгаришига қараб ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси+
- ҳукуматининг ҳуқуқий ҳужжат ва қарорларининг ўзгаришига қараб ўзгартирилиши мумкин.
5. Сиқилган газ учун тўлов банк қоидаларига мувофиқ амалдаги қонуннинг шаклларида амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида тасдиқланган, декларация қилинган рўйхат реестрига кўра етказиб берилган кундаги газ нархида бўлади (тўланади).
6. СТГ (сиқилган табиий газ) ёқилғисини жўнатиш ведомостлар бўйича, ўрнатилган шаклда тўловни 100% олдиндан тўлаб ва «Таъминотчи» ҳисоб рақамига пул келиб тушганидан сўнг бажарилади. Олдиндан тўлаш амалга оширилмаса «Таъминотчи» газ етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга. Вақтида тўланмаган ҳар бир кун учун «Сотиб олувчи» олдиндан тўланадиган сумманинг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди, лекин бу тўловнинг 50 % идан кўп бўлмаслиги лозим.
7. «Таъминотчи» томонидан таъминот муддати бузилган ҳолатда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» га ҳар бир муддатидан ўтган кун учун товар қийматининг 0,4 % и ҳажмида пеня тўлайди.
8. «Истеъмолчи» автомобилдан фойдаланиш вақтида унинг техник ҳолати ва техник хавфсизлиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз бўйнига олади.
9. «Истеъмолчи» қуйдагиларга мажбур:
 - а) газдан ва газ баллонли автомобиллар фойдаланиш масалалари бўйича барча амалдаги қоида, техник шартлар, қўлланма ва қоидаларни аниқ бажариш (риоя қилиш);
 - б) газ баллон усқунаси ва автомобилнинг эҳтиёт қисмларини яхши ҳолатда сақлаш;
 - в) йўл ҳужжатида баллонлар сонининг техник аҳволи ва уларнинг геометрик ҳажми бўйича илова бўлиши;
 - г) автомобилни ўрнатилган ҳолатда газга тўлдириш бўйича руҳсат олиш;
 - д) автомобилнинг техпаспортида (маҳсус иловасида) баллонларнинг умумий, геометрик ҳажмининг 0,5 аниқликдаги сони бўлиши, шунингдек маҳсус автомобил қисмларига ёзиб қўйиш.
10. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган газни бир маромда бир ой мобайнида газ ҳажмининг ўртача бир суткалик нормаси чегарасида бериш ва олишлари керак.
Сиқилган газдан фойдаланиш бўйича келгусида бўладиган ўзгаришлар ҳақида «Истеъмолчи», «Таъминотчи» ни квартал бошигача 15 кундан кам бўлмаган муддатда ёзма равишда ёки телефон орқали оғохлантириб қўйиши керак.

